

Ростгўйлик жаннат калити



09:01 / 15.04.2022 4048

Анас ибн Молик розияллоху анхудан ривоят қилинади.

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламдан бирор нарсани сўрашдан наҳй қилинган эдик. Бизга бадавийлардан бир оқил киши келиб, у зотдан савол сўраётганини эшитиш қизиқ эди. Бир куни улардан бири келди ва: «Эй Муҳаммад! Бизга юборган элчинг сени Аллоҳ юборганини даъво қилаётганингни айтмоқда», деди.

«Тўғри айтибди», дедилар. «Осмонни ким яратган?» сўради у.

Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам: «Аллоҳ!» дедилар.

У сўради: «Ерни ким яратган?».

Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам жавоб бердилар: «Аллоҳ!».

Бояги одам яна савол берди: «Мана бу тоғларни ким тиклаб қўйди ва улардаги нарсаларни пайдо қилди?».

Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам: «Аллоҳ!» дедилар.

Ундоқ бўлса, осмонни яратган, ерни яратган, ушбу тоғларни тиклаган Зот билан қасамки, сени Аллоҳ Пайғамбар қилиб юбордимми?!» деди.

«Ҳа!» дедилар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам.

«Сенинг элчинг бир кеча-кундузда беш вақт намоз фарз эканлигини даъво қилди», деди бадавий.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Тўғри айтибди», дедилар.

«Сени Пайғамбар қилиб юборган Зот ила қасамки, буни сенга Аллоҳ буюрдими?».

Набий алайҳиссалом: «Ҳа!» дедилар.

«Элчинг бизга молу дунёмиздан закот фарз қилинганини айтмоқда», деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам тўғрилигини тасдиқладилар.

«Сени Пайғамбар қилиб юборган Зот ила қасамки, буни сенга Аллоҳ буюрдими?».

Набий алайҳиссалом «Ҳа!» дедилар.

«Элчинг ҳар йили Рамазон ойи рўзаси фарз қилинганини айтди», деди келган одам. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам тасдиқ жавобини бердилар.

У сўради: «Сени Пайғамбар қилиб юборган Зот билан қасамки, буни сенга Аллоҳ буюрдими?».

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ҳа!» дедилар.

«Сенинг элчинг қодир бўлганларга Байтни ҳаж қилиш фарзлигини айтмоқда», деди бояги киши.

Набий алайҳиссалом: «Тўғри айтибди», дедилар.

Сўнгра у одам: «Сени ҳақ ила юборган Зотга қасамки, мана шуларга зиёда қилмайман, улардан камайтирмайман ҳам», деб қайтиб кетди.

Пайғамбар алайҳиссалом: «**Агар ростгўй бўлса, албатта, жаннатга киради**», дедилар».

Имом Бухорий, Имом Муслим, Имом Аҳмад, Имом Термизий, Имом Доримий, Имом Насоий, Имом ибн Ҳиббон ривоят қилишган.